

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВ ДЖАМОЛИТДИН НУРИДИНОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИНИНГ АНАТОМИК ТАВСИФИ ВА УНИНГ
БОЛАЛАР ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ширинов Джамолитдин Нуридинович

Умуртқа поғонасининг анатомик тавсифи ва унинг болалар жисмоний
ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги..... 3

Ширинов Джамолитдин Нуридинович

Анатомическая характеристика позвоночного столба и его взаимосвязь с
показателями физического развития детей 23

Ширинов Джамолитдин Нуридинович

Anatomical characteristics of the spine and its relationship with indicators of
physical development of children 43

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 46

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВ ДЖАМОЛИТДИН НУРИДИНОВИЧ

УМУРТҚА ПОҒОНАСИНИНГ АНАТОМИК ТАВСИФИ ВА УНИНГ
БОЛАЛАР ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib829 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Тешаев Шухрат Жумаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Калашникова Светлана Александровна тиббиёт фанлари доктори (Россия Федерацияси)
	Расулов Хамидулла Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 18 август куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (034 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил 5 август куни тарқатилди.

(2021 йил 5 августдаги 13 рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда турли ёшдаги болалар жисмоний саломатлигини баҳолаш, улар ўсиши ва ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари, шу жумладан умуртқа поғонаси антропометрик кўрсаткичларини, умуртқа поғонаси патологиясини эрта аниқлаш, олдини олиш орқали улар саломатлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Бу борада ёш болаларда умуртқа поғонаси морфометрик параметрларини аниқлаш ва уларни жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғликлигини аниқлаш давлат аҳамиятига эга бўлган тиббиётнинг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ёш болалар умуртқа поғонаси тузилиши, морфологик хусусиятлари, аномалиялари, деформацияларини ўрганиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада болалар умуртқа поғонаси анатомик тавсифи, аномалия ва деформацияси учраш даражаси, патологик ва патологияга олиб келадиган турли иқлимий-географик, экологик, ижтимоий-иқтисодий шароитлари, миллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда бажарилган тадқиқотлар мавжуд, шунингдек, морфометрик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш услуги борасида ҳам тадқиқотлар ҳам эътиборни жалб қилади. Шу йўналишда ёш болалар умуртқа поғонаси касалликларини эрта ташҳислаш, реабилитация қилиш ва олдини олиш, ушбу патологияларга олиб келадиган умуртқа поғонаси морфологик хусусиятлари билан боғлиқ хавф омилларини тавсифлаш услубини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, жумладан, ёш болалар умуртқа поғонаси касалликларини эрта ташҳислаш, морфометрик ўрганишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Бу тиббиёт фанлари савиясини оширган, шунингдек сифатли тиббий хизматлар кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни яхшилаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуртқа поғонасининг ҳаракатчанлиги одамнинг турли позицияларда ва ҳаракатларда турғун ҳолати учун муҳимдир (Ковешников В.Г., 2008; Куренков Е.Л., Макаров В.В., 2018; Roy A.K. et al., 2015). Вертебрологияда умуртқа поғонасининг функционал бирлиги бўлган умуртқа ҳаракат сегментини ўрганиш борасида жаҳон миқёсида қатор тизимли тадқиқотлар ўтказилган ва ҳозирги вақтда ҳам олиб борилмоқда.

Мазкур тадқиқотлар фасет бўғинлари туфайли умуртқа сегментида умуртқалар ўртасида ҳаракатланишнинг баъзи бир имкониятларини ўрганишга қаратилган (Андреева И.В., Виноградов А.А., 2015; Rasouljan A. et al., 2013). Одам организмида турли хил ташқи ва ички омиллар таъсирида умуртқанинг турли хил аномалиялари, деформациялари ва касалликлари пайдо бўлиши, натижасида битта умуртқа сегментининг функцияси бузилиши ва кўп сегментли жароҳат қайд этилиши ва аксарият ҳолларда ногиронликка олиб келиши исботланган (Умарходжаев Ф.Р., 2016; Дюбуссе Ж., 2018; Fleming A., 2015).

Айрим тадқиқотлар компьютер томографияси, магнит-резонанс томография, мултиспирал компьютер томографияси каби замонавий тиббиёт технологияси ва янги тадқиқот усуллари орқали умуртқа поғонаси патологияларини тез ва аниқ ташхислашга қаратилган (Абдуллаев Р.Я., 2014; Бажин А.В. ва ҳаммуал., 2020; Splendiani A., 2016).

Дунё миқёсида, шу жумладан Ўзбекистонла юқорида кўрсатилган усуллардан фойдаланган ҳолда минтакавий меъёрлар ва стандартларни ишлаб чиқиш учун соғлом болаларда умуртқа поғонасининг морфометрик хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Наврузов Д.К. ва ҳаммуал., 2018; Teshayev Sh.J. et al., 2016; Камилова Р.Т. ва ҳаммуал., 2016; Аканеева Е.А., 2020; Arora M. 2016), бироқ, ўрганишларда умуртқа поғонаси морфометрик параметрлари тўғрисидаги илмий маълумотлар кам учрайди ва уларни болаларнинг жисмоний ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, болаларнинг ёшига қараб умуртқа поғонасидаги ўзгаришларнинг морфометрик параметрлари бўйича меъёрий миллий стандартларни ишлаб чиқиш, умуртқа поғонасининг морфометрик

параметрлари ва болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганишни давом эттиришни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2019 PhD 042) «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умуртқа поғонасини анатомик тавсифлаш, морфометрик параметрларини аниқлаш ва унинг ёшга боғлиқ ҳолда болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлигини қиёсий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умуртқа поғонасининг морфометрик хусусиятларини ўрганиш ва уларни ўсиш ва ривожланиш динамикасида болалар жисмоний ривожланишининг асосий кўрсаткичлари билан таққослаш;

болаларда жинс ва ёшга қараб умуртқа поғонасининг морфометрик параметрларини қиёсий баҳолаш;

морфометрик кўрсаткичлар, эгилувчанлик ва соғлом болаларда умуртқа поғонаси турли қисмларининг ёш хусусиятларини, жинси ва ёшига қараб ўрганиш;

болаларнинг жинси ва ёшига қараб умуртқа поғонасининг турли қисмлари жараёнларининг рентген-анатомик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятида муқим истиқомат қилувчи мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари, ўрта мактаб ўқувчилари бўлган 1052 нафар соғлом (528 нафар ўғил бола, 524 нафар қиз бола) 0-16 ёшгача бўлган болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар умуртқа поғонасининг анатомик параметрлари ва болалар жисмоний ривожланиши асосий кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда антропометрик, компьютер томография, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларнинг ёши, умуртқа поғонасининг меъёрий морфометрик параметрлари чегаралари ўсиш ва ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда илк бор морфометрик кўрсаткичларнинг ёшга хос хусусиятлари ва умуртқа поғонаси турли қисмлари тизимли ўзгариши асосланган;

морфометрик параметрларнинг нисбати умуртқа поғонасининг турли қисмларида ёш ва жинсга қараб ўзгариши исботланган;

11-13 ёшгача суякланиш жараёни интервертебрал дискларда бошланиши, улар ҳажми камайиши, умуртқалараро бўшлиқлар кўпайиши ва янги туғилган чақалоқларда интервертебрал дисклар бутун умуртқа поғонаси узунлигининг ярмига тенг келиши аниқланган;

соғлом ўғил ва қиз болаларда умуртқа поғонаси, умуртқа канали ва қиррасимон ўсимта ҳосил бўлиши, бўйин, кўкрак, бел ва думғаза-дум бўлимларининг равожланиши, улар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан мутаносиблиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғлом ўғил ва қиз болалар умуртқа поғонаси морфометрик параметрлари ишлаб чиқилган меъёрий миллий стандартлардан минтақадаги болаларнинг ўсиши ва ривожланишини қиёсий баҳолашда қўллаш учун тавсия этилган;

болаларнинг ёши ва жинсига қараб умуртқа поғонасининг турли қисмлари морфометрик параметрларида белгиланган ўзгаришлар болаларда умуртқа поғонаси патологияларини эрта ташхислаш ва олдини олишда қўллаш учун тавсия этилган;

умуртқа поғонасининг меъёрий ўсиши ва бош катталигини ҳар хил ёшдаги соғлом болаларнинг антропометрик параметрларини баҳолаш компьютер дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал тўпланганлиги, шунингдек, кузатувлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган антропометрик, компьютер томография ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, олинган натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёш болаларда умуртқа поғонасини турли қисмларида тизимли ўзгаришлар динамикаси аниқланганлиги, морфометрик параметрларни умуртқа поғонасининг турли қисмларида ўзгариши ёшга боғлиқлигини аниқланганлиги, ўғил ва қиз болалар умуртқа поғонасида ўсимта ҳосил бўлиши, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан мутаносиблиги исботланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёш болаларда умуртқа поғонасининг патологик жараёнларни эрта аниқлашга имконини берадиган морфометрик параметрлар чегаралари ишлаб чиқилганлиги, умуртқа поғонасининг меъёрий ўсиши ҳар хил ёшдаги болаларнинг антропометрик параметрлари бўйича таҳлил қилиш учун компьютер дастури яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умуртқа поғонасининг морфометрик тавсифи ва унинг болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умуртқа поғонаси морфометрик кўрсаткичлари ва жисмоний ривожланиш параметрлари билан боғлиқлигини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Қиз ва ўғил болалардаги умуртқа поғонасининг морфометрик параметрларини баҳолаш

узули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 8н-д/80-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда умуртқа поғонаси морфометрик параметрларини ёшга нисбатан ўзгаришини аниқлаш имконини берган;

болалар умуртқа поғонаси морфометрик тавсифи ва унинг болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ва Бухоро болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18.05.2021 йилдаги 8 н-з/103-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши антропометрик кўрсаткичлар болалар ўсиш жараёнлари ва шаклланиш босқичлари нисбатларини, шунингдек, Бухоро вилоятида доимий истиқомат қилувчи болалар ўртасида ривожланиш жараёнининг хусусиятларини аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Умуртқа поғонаси морфометрик кўрсаткичларининг замонавий жиҳатлари ва унинг болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги**» сўнги йиллардаги илмий манбалардан олинган маълумотлар акс этирилган адабиётлар шарҳи берилган. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, болалар ва ўсмирларда жинсни, умуртқа поғонасининг морфометрик параметрларини унинг патологик шароитлари билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда анатомик параметрларнинг замонавий тушунчаларини

таҳлил қилиш ва тавсифлаш. шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган томонлари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Болалардаги умуртқа поғонаси анатомик хусусиятларига оид дизайн, материал ва тадқиқот усуллари»** текшириладиган гуруҳларга киритилган соғлом болалар умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган.

Тадқиқотни амалга ошириш учун соғлом болалар - мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари (МТМ), Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоятидаги ўрта мактаб ўқувчилари (ЎМЎ) жалб қилинган. Жами 1052 нафар болалар ўрганилган, шулардан 528 нафари ўғил болалар, 524 нафари қиз болалардир. Текширилувчиларнинг ёши 0-16 ёш бўлган. Иккала жинсдаги болаларнинг барча ёшдаги ўғиллар ва қизлар гуруҳлари таркиби $n=12$ нафардан $n=40$ нафаргача бўлиб, бу материални статистик қайта ишлашга ва ишончли натижаларга эришишга имкон берган.

МТМ тарбияланувчилари, ЎМЎ ини ўрганиш ушбу муассасаларнинг тиббиёт хоналарида муассаса шифокори ва ҳамшираси иштирокида ўтказилган. Тадқиқотни ўтказишдан олдин тадқиқотда иштирок этган болаларнинг ота-оналаридан розилик олинган.

Тадқиқот учун танланган ҳар икки жинсдаги болаларнинг (ўғил ва қиз болалар) антропометрик тадқиқотлари Шомирзаев Н.Х. ва ҳаммуал. (1998) услубий тавсияномалари асосида амалга оширилган. Ҳаётнинг дастлабки 5 йилида болаларнинг соғлом ўсиши ва ривожланиши ЖССТ тавсияларига биноан амалга оширилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тор мутахассислари томонидан назоратга олинган (2013).

Тана вазни катталар учун мўлжалланган тиббий ўлчов тарозиси ёрдамида ўлчанган. Олинган маълумотлар килограмм (кг) билан кўрсатилган.

Бўй узунлигини ўлчаш учун тик турган ҳолда ўлчаш учун мослаштирилган сантиметр ишлатилган.

Кўкрак айланасини сантиметр лента билан ўлчаш, нафас олганда ва тўлиқ нафас чиқарганда ўлчанган. Инспиратор ва экспиратор нафас олишда кўкрак айланасининг фарқи кўкрак экскурсиясининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилган.

Кўкрак қафаси кўндаланг диаметрини аниқлаш учун горизонтал текисликда қовурға ён юзларининг энг узок нуқталари орасидаги масофа олинган. Бунда циркул оёқчаларини тўш суяги пастки учи бўйлаб ўрта қўлтиқ ости чизиқларига жойлаштирилган. Кўкрак қафасининг олдин-орқа диаметрини ўлчаш учун тазомернинг бир оёқчаси қовурға тоғайининг тўшга бирикиш соҳасига, иккинчи оёқчаси шунга мос равишда умуртқа поғонасининг қиррали ўсимтасига қўйилган.

Ўлчовлар умуртқа поғонасининг узунлиги, унинг бўлимлари, умуртқа дисклари ва умуртқа канали ўртасидаги масофаларни аниқлаш имконини берган. Бола жисмоний ривожланишини баҳолаш учун умуртқа поғонаси ҳар бир қисмини (бўйин, кўкрак, бел, думғаза-дум) ўлчаш муҳим ўрин тутди. Бўйламаси ва кўндаланг каналларнинг умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак, бел ва думғаза-дум соҳаларининг МРТ тасвирларида C3, C4, Th6, Th7, L2, L3, L4,

S2, S3 (мм) ўлчанган. Ўлчов умуртқа тешигининг олдинги қиррасидан орқа қиррасигача амалга оширилган.

MPT тасвирларида умуртқа дискларининг учларидан асосигача (мм) бўйлама ўлчамлари ўлчанган. Амалдаги морфометрик усуллар, MPT маълумотлари, умуртқа дискларнинг параметрларини таҳлил қилиш учун «MLV. Ink. Philips» деб номланган дастурдан фойдаланилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV компютерида Microsoft Office Excel-2007 дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик ишланган ва вариацион статистика методлари қўлланилган. Тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**8 ёшгача бўлган болаларда умуртқа поғонасининг морфометрик параметрларини баҳолаш ва унинг жисмоний ривожланиш параметрлари билан боғлиқлиги**» бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган ва 8 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар умуртқа поғонаси параметрлари билан таққосланган.

Қизларда умуртқа поғонасининг жисмоний ривожланиши ва морфометрик кўрсаткичлари. Олинган тадқиқотлар шуни кўрсатганки, текширилаётган янги туғилган чақалоқларнинг тана вазни ўртача $3,54 \pm 0,18$ кг ни ташкил қилган. Туғилгандан кейинги дастлабки 3-5 кун ичида кўрсатилгандек, дастлабки вазннинг 200-245 г физиологик вазн йўқотиши бўлган. Ушбу вазн туғилгандан кейин 10-12 кун ичида тикланган.

Янги туғилган қизларнинг ўсиш кўрсаткичлари ўртача $49,0 \pm 2,23$ см, кўкрак қафаси айланаси $12,2 \pm 0,48$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри $8,85 \pm 0,35$ см ни ташкил этган, ўлчовлар умуртқа поғонасининг умумий узунлигини кўрсатган. Янги туғилган болалар умуртқа поғонаси ўртача $23,95 \pm 1,2$ см ни ташкил этган. Шу билан бирга, бўйин бўлимининг узунлиги ўртача $2,4 \pm 0,3$ см (умуртқа поғонаси умумий узунлигининг 10,0% и), кўкрак бўлимининг узунлиги $12,3 \pm 0,5$ см (51,4%), бел бўлими $4,9 \pm 0,4$ см (20,5%), думғаза-дум соҳаси $4,1 \pm 0,3$ см (17,1%) ташкил қилган.

Кўкрак ёшидаги (1 ёш) қизларнинг бўй узунлиги ўртача $68,3 \pm 2,72$ см, тана вазни ўртача $8,20 \pm 0,41$ кг, кўкрак айланаси $30,8 \pm 1,0$ см, кўкрак қафаси кўндаланг диаметри $9,62 \pm 0,58$ см ни ташкил қилган. 1 ёшли қизларнинг умуртқа поғонаси параметрлари бир текис ўзгармаган. Умуртқа поғонаси умумий узунлиги ўртача $32,0 \pm 1,5$ см, бўйин бўлими узунлиги $3,0 \pm 0,3$ см (умуртқа поғонаси умумий узунлигининг 9,4% и), кўкрак бўлими узунлиги $18,3 \pm 0,5$ см (57,2%), бел бўлими $6,9 \pm 0,4$ см (21,5%), думғаза-дум бўлими $5,1 \pm 0,3$ см (15,9%) ни ташкил қилган.

2 ёшли қизларнинг бўй узунлиги ўртача $82,6 \pm 4,12$ см, тана вазни ўртача $13,15 \pm 0,65$ кг, кўкрак айланаси ўртача $34,7 \pm 1,35$ см, кўкрак қафаси кўндаланг диаметри 10,2 см дан 12,0 см гача бўлган оралиқда - ўртача $11,1 \pm 0,44$ см ни ташкил қилган. Текширилган қизлар умрининг иккинчи йилида умуртқа поғонаси умумий узунлиги ўртача $37,5 \pm 1,2$ см ни ташкил қилган. Бўйин бўлими узунлиги 3,0 см дан 3,5 см гача ўртача $3,3 \pm 0,5$ см (умуртқа поғонаси умумий узунлигининг 8,8% и), кўкрак бўлимининг узунлиги ўртача $20,9 \pm 0,7$

см (55,7%), бел бўлими ўртача $6,1 \pm 0,4$ см (16,3%), думғаза-дум бўлими ўртача $5,8 \pm 0,3$ см ни (15,4%) ташкил этган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 3 ёшли қиз болаларнинг бўй узунлиги ўртача $88,1 \pm 4,40$ см, тана вазни эса ўртача $12,7 \pm 0,87$ кг га тенг. Ушбу ёшдаги қизларда паузадаги кўкрак айланаси ўртача $47,6 \pm 2,26$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри $15,5 \pm 0,48$ см га тенг бўлган. 3 ёшли қизлар умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $38,5 \pm 1,2$ см ни ташкил этган. Бўйин бўлими узунлиги ўртача $3,8 \pm 0,4$ см (9,9%), кўкрак бўлими $22,0 \pm 0,5$ см (57,1%), бел бўлими $7,0 \pm 0,3$ см (18,2%), думғаза-дум соҳаси $5,7 \pm 0,3$ см (умумий умуртқа поғонаси узунлигининг 14,8% и) га тенг бўлган.

4 ёшли қиз болаларнинг бўй узунлиги ўртача $96,2 \pm 4,55$ см, тана вазни ўртача $14,4 \pm 0,99$ кг. Уларда паузадаги кўкрак айланаси ўртача $51,3 \pm 2,34$ см га, кўкрак қафаси кўндаланг диаметри эса $16,3 \pm 0,43$ см га тенг бўлган. 4 ёшли қиз болалар умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $42,34 \pm 2,42$ см эканлиги аниқланган. Бўйин бўлими ўртача $4,73 \pm 0,28$ см (12,0%), кўкрак бўлими узунлиги $22,81 \pm 1,14$ см (54,45%), бел бўлими $6,68 \pm 0,34$ см (15,8%), думғаза-дум бўлими узунлиги $7,56 \pm 0,43$ см (17,75%) га тенг бўлган.

Тадқиқотлар давомида 5 ёшли қиз болаларнинг бўйи узунлиги ўртача $103,0 \pm 4,96$ см, тана вазни $15,7 \pm 0,80$ кг бўлганлиги аниқланган. Ушбу ёшдаги қизларда кўкрак айланаси ўртача $53,4 \pm 2,67$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $18,9 \pm 0,24$ см ни ташкил этган. Ўлчовлар шуни кўрсатдики, 5 ёшли қиз болалардаги умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача қиймати $43,32 \pm 2,12$ см га тенг. Бўйин бўлими узунлиги ўртача $5,19 \pm 0,28$ см (12,0%), кўкрак бўлими ўртача $22,93 \pm 1,14$ см (52,95%), бел бўлими ўртача $7,23 \pm 0,34$ см (16,7%), думғаза-дум бўлими узунлиги $7,94 \pm 0,43$ см ни (18,35%) ташкил қилган.

6 ёшли қизларнинг бўй узунлиги ўртача $112,0 \pm 5,12$ см, тана вазни $19,0 \pm 1,09$ кг ни ташкил этган. Бундан ташқари, ушбу қизларда пауза пайтида кўкрак қафаси айланаси ўртача $55,8 \pm 0,27$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $17,5 \pm 0,45$ см ни ташкил этган. Умуртқа поғонаси ўлчовлари шуни кўрсатдики, бу ёшдаги қизларда умуртқа поғонаси узунлиги ўртача $45,5 \pm 2,64$ смга тенг бўлган. Бўйин бўлими $6,4 \pm 0,34$ см (12,30%), кўкрак бўлими $24,25 \pm 1,53$ см (53,90%) бўлган. Шу билан бирга, бел соҳаси узунлиги ўртача $8,11 \pm 0,4$ см (16,12%), думғаза-дум бўлими узунлиги $9,00 \pm 0,54$ см ни (17,89%) ташкил этган.

Юқоридаги ўлчовлар 7 ёшдаги қизларда ҳам ўтказилган. Ушбу ёш тоифасидаги қиз болаларнинг бўйи ўртача $122,0 \pm 5,12$ см, тана вазни эса ўртача $19,0 \pm 1,06$ кг эканлиги аниқланган. Худди шу қизларда паузада кўкрак қафаси айланаси ўртача $60,2 \pm 3,11$ см, кўкрак қафаси кўндаланг диаметри $18,2 \pm 0,53$ см бўлган. Текширув ўтказилган 7 ёшли қиз болалардаги умуртқа поғонаси умумий узунлиги ўртача $46,45 \pm 2,45$ см, бўйин бўлими узунлиги ўртача $5,75 \pm 0,4$ см (12,4%), кўкрак бўлими $24,33 \pm 1,53$ см (52,40%), бел бўлими $7,66 \pm 0,54$ см (16,5%) ва думғаза-дум бўлими узунлиги $8,68 \pm 0,4$ см (18,7%) га тенг бўлган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 8 ёшгача бўлган қизларда бўйлама параметрлар ва тана вазни ҳаётнинг 1- ва 2-йилларида, кўндаланг ўлчамлари эса 1- ва 3-йилларида кўпроқ ўсган. 3 ва 7 ёшларда бўйлама катталикларнинг ўсиши секинлашиши, 5 ва 6 ёшларда эса кўндаланг ўлчамларнинг ўсиши секинлашиши аниқланган. Бундай ўзгаришлар овқатланиш тури ўзгариши (эмизишдан аралаш овқатлантиришгача ва аралаш овқатлантиришдан мустақилгача) ва турмуш тарзи (йўргакдан эмаклашгача, эмаклашдан тик юришгача, мактаб ёшининг бошланиши) билан боғлиқлиги аниқланган.

Кўкрак бўлими узунлиги умуртқа поғонаси умумий узунлигининг ярмидан кўпини ташкил қилган. Умуртқа поғонасининг барча бўлимларидан, кўкрак бўлими ҳаётнинг 1-йилида ва кейинги йилларда (7 ёшни ҳисобга олган ҳолда) юқори темпда ўсиб борган. Бу кўкрак қафаси аъзоларининг ўсиши ва ривожланиши, уларнинг вазифалари соғлом қиз болаларнинг ёшига боғлиқлиги билан алоқадорлигини билдирган. Бўйин қисмининг 2 ёшгача ўсиш суръати нисбатан суст бўлганлиги аниқланган. Шуни таъкидлаш керакки, бу ёшда цервикал лордоз шакллана бошлайди. Қизларда 2 ёшдан бошлаб бел ва думғаза-дум бўлимлари ўсиш даражаси сезиларли даражада пасайганлиги аниқланган. Бундан ташқари, 8 ёшгача бўлган қизларда умуртқа поғонасининг морфометрик параметрлари ўсиш суръатларининг кўрсаткичлари қиёсий жиҳатдан аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

8 ёшгача қизларда умуртқа поғонаси морфометрик параметрларининг ўсиш кўрсаткичлари (%)

Ёш	Умуртқа поғонаси бўлимлари			
	Бўйин	Кўкрак	Бел	Думғаза-дум
Чақалоқда	10,0	51,4	21,52	17,1
1 год	11,0	51,4	20,56	17,0
2 года	11,4	55,15	14,73	17,98
3 года	11,5	54,45	15,7	18,35
4 года	12,0	54,45	15,8	17,75
5 лет	12,0	52,95	16,7	18,35
6 лет	12,0	52,95	16,7	18,35
7 лет	12,4	52,4	16,5	18,7

Қизларда умуртқа поғонаси ушбу параметрларининг ўсиш суръатлари ёшга қараб бир хил эмаслиги ва худди шу тарзда ўзгарганлиги аниқланган. Ўрганилаётган объектнинг кўпайиши ва қизлар танасининг функционал фаоллигининг ошиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. 4-7 ёшдаги қизларда умуртқа поғонасининг ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайгани исботланган, бўйин лордозини шаклланган, 6 ёшида бел лордозини тўлиқ шаклланган ва 7 ёшида қизларда думғаза-дум соҳаси кифози пайдо бўлган.

Ўғил болаларда жисмоний ривожланиш ва умуртқа поғонасининг морфометрик кўрсаткичлари. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, янги туғилган ўғил болаларда бўй узунлиги ўртача $50,0 \pm 0,23$ см, тана вазни

ўртача $3,75 \pm 0,18$ кг ни ташкил этган. Шу билан бирга, нафас олмаганда кўкрак қафасининг айланаси ўртача $13,2 \pm 0,79$ см, нафас олиш чўққисида $14,89 \pm 0,73$ см ва тўлиқ нафас чиқарганда $13,6 \pm 0,63$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $9,90 \pm 0,40$ см ни ташкил этган.

Ўлчов натижалари шуни кўрсатдики, 1 ёшдаги ўғил болаларнинг бўй узунлиги ўртача $72,3 \pm 3,61$ см, тана вазни $9,30 \pm 0,46$ кг, кўкрак айланаси $32,8 \pm 1,09$ см, нафас олиш чўққисида кўкрак қафаси айланаси $34,4 \pm 0,73$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $35,4 \pm 1,45$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри $11,3 \pm 0,50$ см га тенг бўлган. Ўғил болалар 1 ёшида умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $34,15 \pm 1,70$ см, бўйин бўлими $3,07 \pm 0,19$ см (9,0%), кўкрак бўлими $17,07 \pm 0,85$ см (50,0%), бел бўлими $7,06 \pm 0,40$ см (20,7%), думғаза-дум бўлими узунлиги $6,93 \pm 0,50$ см ни (20,3%) ташкил этган.

2 ёшли ўғил болаларнинг бўй узунлиги ўртача $85,2 \pm 3,61$ см, тана вазни $14,9 \pm 0,74$ кг, паузада кўкрак айланаси $36,7 \pm 1,82$ см, нафас олиш чўққисида $38,3 \pm 1,13$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $37,0 \pm 1,45$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $12,5 \pm 0,59$ см эканлиги аниқланган. Ўғил болаларнинг 2 ёшида умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $42,56 \pm 2,12$ см, бўйин бўлими узунлиги $4,57 \pm 0,25$ см (10,73%), кўкрак бўлими $22,85 \pm 1,25$ см (53,60%), бел бўлими $6,93 \pm 0,5$ см (16,28%), думғаза-дум бўлими узунлиги $8,36 \pm 0,50$ см га (19,64%) тенг бўлган.

3 ёшли ўғил болаларнинг бўй ўсиш кўрсаткичлари ўртача $92,8 \pm 4,26$ см, тана вазни эса ўртача $14,9 \pm 0,74$ кг ни ташкил этган. Паузада кўкрак қафаси айланасини ўлчаш унинг ўртача $47,9 \pm 0,20$ см, нафас олиш чўққисида $49,9 \pm 2,03$ см ва тўлиқ нафас чиқарганда $48,3 \pm 2,04$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $15,3 \pm 0,50$ см га тенг эканлигини кўрсатган. 3 ёшли ўғил болалар умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $43,80 \pm 2,32$ см, бўйин бўлими ўртача $5,60 \pm 0,32$ см (12,78%) ни ташкил этган. Шу билан бирга, кўкрак бўлимининг узунлиги $24,28 \pm 1,39$ см (55,45%), бел бўлимининг узунлиги $5,88 \pm 0,29$ см (15,7%), думғаза-дум бўлими узунлиги $7,84 \pm 0,43$ см га (17,9%) тенг бўлган.

4 ёшли ўғил болаларнинг жисмоний ҳолати кўрсаткичлари устида ўтказилган текширувлар куйидаги натижаларни кўрсатди: бўй узунлиги ўртача $97,02 \pm 4,85$ см; тана вазни $14,5 \pm 0,67$ кг; нафас олиш чўққисида кўкрак қафаси айланаси $48,7 \pm 2,46$ см; нафас чиқариш чўққисида кўкрак айланаси $50,7 \pm 2,47$ см; тўлиқ нафас чиқарганда кўкрак қафаси айланаси $50,7 \pm 2,43$ см; кўкракнинг кўндаланг диаметри $16,5 \pm 0,24$ см га тенг. 4 ёшли ўғил болалар умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $44,4 \pm 2,45$ см, бўйин бўлими $5,65 \pm 0,33$ см (12,7%), кўкрак бўлими $24,45 \pm 1,48$ см (55,0%), бел бўлими $7,05 \pm 0,40$ см (15,8%), думғаза-дум бўлими узунлиги $8,70 \pm 0,54$ см (16,4%) га тенг бўлган.

5 ёшли ўғил болаларнинг бўй узунлиги ўртача $105,7 \pm 4,20$ см, тана вазни ўртача $15,7 \pm 0,70$ кг. Паузада кўкрак айланаси ўртача $52,3 \pm 2,09$ см, нафас олиш чўққисида $51,7 \pm 3,09$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $51,7 \pm 1,57$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $17,4 \pm 0,53$ см эканлиги аниқланган. Умуртқа поғонасининг умумий узунлиги ўртача $45,5 \pm 2,64$ см, бўйин бўлими

узушлиги ўртача $6,4 \pm 0,34$ см (12,30%), кўкрак бўлими $24,25 \pm 1,53$ см (53,90%), бел бўлими $8,11 \pm 0,4$ см (16,12%), думғаза-дум бўлими узушлиги $9,00 \pm 0,54$ см (17,89%) га тенг бўлган.

6 ёшли ўғил болаларда ўртача бўй узушлиги $112,8 \pm 4,48$ см, тана вазни ўртача $19,4 \pm 1,14$ кг, паузада кўкрак қафаси айланаси $58,4 \pm 2,92$ см, нафас олиш чўққисида $58,35 \pm 2,87$ см ва тўлиқ нафас чиқарганда $57,5 \pm 0,31$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри $19,4 \pm 0,57$ см га тенг бўлди. 6 ёшли ўғил болаларда умуртқа поғонаси умумий узушлиги ўртача $45,5 \pm 2,64$ см, бўйин бўлими $6,4 \pm 0,34$ см (12,30%), кўкрак бўлими $24,25 \pm 1,53$ см (53,90%), бел бўлими $8,11 \pm 0,4$ см (16,12%), думғаза-дум бўлими узушлиги $9,00 \pm 0,54$ см (17,89%) ни ташкил этган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатганки, 7 ёшли ўғил болаларнинг бўйи ўртача $120,9 \pm 3,60$ см, тана вазни ўртача $21,8 \pm 0,56$ кг. Паузада кўкрак қафасининг айланаси ўртача $61,3 \pm 3,06$ см, нафас олиш чўққисида $63,4 \pm 0,54$ см ва тўлиқ нафас чиқарганда $60,9 \pm 3,00$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $20,0 \pm 0,68$ см га тенг. Бу ўғил болалар умуртқа поғонасининг умумий узушлиги ўртача $48,56 \pm 2,45$ см, бўйин бўлими узушлиги $6,11 \pm 0,4$ см (12,6%) ва кўкрак бўлими $25,88 \pm 1,53$ см (53,30%), бел бўлими $8,20 \pm 0,54$ см ни (16,8%), шу билан бирга, думғаза-дум бўлими узушлиги ўртача $8,11 \pm 0,4$ см (17,3%) ни ташкил этган.

0-7 ёшдаги ўғил болаларда умуртқа поғонасининг морфометрик параметрлари ўсиш суръатларини аниқлаш бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

0-7 ёшли ўғил болаларда умуртқа поғонаси морфометрик параметрларининг ўсиш кўрсаткичлари (%)

Ёш	Умуртқа поғонасининг бўлимлари			
	Бўйин	Кўкрак	Бел	Думғаза-дум
Чақалоқ	10,0	51,4	21,5	17,1
1 ёш	9,0	50,0	20,7	20,3
2 ёш	10,73	53,60	16,28	19,64
3 ёш	12,78	55,45	15,74	16,07
4 ёш	12,7	55,0	15,8	16,4
5 ёш	12,3	53,9	16,12	17,89
6 ёш	12,3	53,9	16,12	17,89
7 ёш	12,6	53,3	16,8	17,3

Ушбу 2-жадвал 0-7 ёшдаги ўғил болаларда умуртқа поғонасининг турли бўлимлари ўсишидаги ўзгаришларнинг қонуниятларини баҳолашга имкон берган, бу умуртқа поғонаси параметрларини ушбу ўсиш суръатлари ёрдамида аниқлаш ва қиёсий имконини берган.

0-7 ёшдаги ўғил болалар жисмоний ривожланиш параметрлари ва умуртқа поғонасини ўлчаш натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, 1-7 ёшдаги болаларда ўсиш 1,67 баравар ошган. Ўсишнинг энг

юқори даражаси 5 ва 7 ёшда, энг пасти эса 4 ва 6 ёшда кузатилган. Болаликнинг дастлабки даврида бўйин ва бел соҳаларида ўзгаришлар қайд этилганлиги, болаликнинг иккинчи даврида эса умуртқа поғонасининг кўкрак ва думғаза-дум соҳаларида ўзгаришлар яққол бўлганлиги аниқланган. Антропометрик кўрсаткичлар онтогенезининг алоҳида босқичларида ўсиш жараёнлари ва улғайиш босқичлари нисбатларидаги қонуниятлар Бухоро вилоятидаги болалар ўртасида акселерация жараёнининг хусусиятларини аниқлашга имкон берган.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида жисмоний ривожланиш параметрлари ва минтақадаги болалар учун миллий стандарт сифатида тавсия этилган 8 ёшгача бўлган соғлом болалар умуртқа поғонаси ўрганилган ва баҳоланган. Олинган маълумотлар ўсиб бораётган инсон танасининг ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган янги стандарт ўлчамдаги кийим-кечак, мебел ва махсус парҳезларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«8-16 ёшли соғлом болаларда жинсга қараб тана ва умуртқа поғонасининг антропометрик кўрсаткичлари»** бўйича 8-16 ёшдаги қиз ва ўғил болаларнинг умуртқа поғонаси маълумотлари ва морфометрик тадқиқотлар натижалари, шунингдек, уларнинг ёшига боғлиқ ўзгаришлари келтирилган.

8-16 ёшдаги соғлом ўғил ва қиз болалар антропометрик кўрсаткичларидаги ёшга боғлиқ ўзгаришлар. 8 ёшли ўғил болаларнинг бўйи ўртача $124,9 \pm 5,67$ см, тана вазни $25,2 \pm 1,20$ кг эканлиги аниқланган. Паузада кўкрак қафаси айланаси $63,0 \pm 2,89$ см, нафас олганда $64,4 \pm 2,95$ см, тўлиқ нафас чақарганда $62,2 \pm 3,11$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри эса $21,2 \pm 0,22$ см бўлган.

9 ёшли ўғил болаларнинг ўсиш кўрсаткичлари ўртача $132,1 \pm 5,14$ см, тана вазни ўртача $27,3 \pm 1,36$ кг. Паузада кўкрак қафаси айланаси ўртача $63,7 \pm 3,18$ см, нафас олганда $65,9 \pm 3,27$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $63,6 \pm 0,61$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $22,0 \pm 0,67$ см ни ташкил қилган.

10 ёшли ўғил болаларнинг ўсиш параметрлари ўртача $133,9 \pm 5,14$ см, тана вазни $29,0 \pm 1,36$ кг, кўкрак қафаси айланаси $65,5 \pm 3,27$ см, бу кўрсаткич чуқур нафас олганда $66,7 \pm 3,43$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $66,0 \pm 3,32$ см, кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри $23,2 \pm 0,75$ см эканлиги аниқланган.

11 ёшли ўғил болалар ўсиш кўрсаткичлари шуни кўрсатдики, бўйининг ўртача баландлиги $139,9 \pm 5,90$ см, бу болаларнинг тана вазни ўртача $31,9 \pm 1,49$ кг, паузадаги кўкрак айланаси $67,3 \pm 3,33$ см, нафас олганда $69,3 \pm 3,28$ см ва тўлиқ нафас чиқарганда $68,8 \pm 3,46$ см, кўкракнинг қафасининг кўндаланг диаметри $24,9 \pm 0,80$ см бўлган.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 12 ёшли ўғил болаларнинг ўсиш суръати ўртача $140,2 \pm 6,0$ см, тана вазни $33,0 \pm 1,77$ кг. Кўкрак қафаси айланасини аниқлашда қуйидаги натижалар олинган: $69,6 \pm 3,34$ см паузада, нафас олиш баландлигида $72,0 \pm 3,60$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $70,5 \pm 0,48$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $25,0 \pm 1,0$ см.

13 ёшли ўғил болалар ўсиши ўртача $140,2 \pm 6,0$ см, тана вазни $33,0 \pm 1,48$ кг ни ташкил этган. Танаффусда кўкрак айланасини ўлчамлари ўртача $69,6 \pm 3,34$ см, чуқур нафас олганда $72,0 \pm 3,0$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $70,5 \pm 3,67$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $26,9 \pm 1,12$ см.

Соғлом 14 ёшли ўғил болаларда ўсиш суръати ўртача $148,0 \pm 7,89$ см ни, тана вазни ўртача $40,0 \pm 2,05$ кг ни ташкил этган. Ушбу болаларда кўкрак айланаси ўртача $72,6 \pm 3,63$ см, чуқур нафас олганда $76,7 \pm 3,59$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $74,0 \pm 3,6$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $26,4 \pm 1,18$ см бўлган.

15 ёшдан бошлаб ўғил болаларнинг ўсиш суръатлари бироз пасайиб, ўртача $154,0 \pm 7,8$ см, тана вазни $43,7 \pm 2,1$ кг, паузада кўкрак қафаси айланаси $75,1 \pm 0,5$ см, чуқур нафас олганда $78,6 \pm 0,5$ см, тўлиқ нафас чиқарганда $75,7 \pm 0,5$ см, кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $27,6 \pm 0,6$ см бўлган.

16 ёшли ўғил болаларда ўртача ўсиш суръати $156,3 \pm 7,9$ см, тана вазни $45,8 \pm 3,7$ кг, кўкрак қафаси айланаси $76,4 \pm 0,8$ см ни ташкил этган. Чуқур нафас олганда $77,2 \pm 0,9$ см га тенг, тўлиқ нафас чиқарганда $78,6 \pm 0,8$ см. Кўкракнинг кўндаланг диаметри ўртача $28,7 \pm 0,8$ см бўлган.

8 ёшли қиз болаларнинг ўсиши ўртача $126,1 \pm 0,61$ см, тана вазни $24,8 \pm 0,61$ кг ни ташкил этган. Ушбу қизларда паузадаги кўкракнинг айланаси ўртача $59,8 \pm 0,46$ см, чуқур нафас олганда $60,4 \pm 0,41$ см. Тўлиқ нафас чиқарганда $55,2$ см дан $65,1$ см, ўртача $58,9 \pm 0,37$ см ни кўрсатган.

9 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизларнинг бўй ўсиши ва тана вазни, ўғил болаларникига ўхшаб ўзгаришга мойил. Қиз болаларнинг бўйи ва тана вазнининг ўсиши қатъий равишда ёш тоифасига тўғри келган. Аммо паузада кўкрак қафасининг айланаси, чуқур нафас олганда ва нафас чиқарганда, балоғат ёшидаги қизларда ўзига хос ўзгаришлар билан намоён бўлган.

